ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАЧИЛИГИ II ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА (1941-1945)

Э.Эркаев

Мақолада республика пахтакорларининг 1941 – 1945 йилларда пахта етиштириш учун олиб борган машаққатли меҳнатлари фашизмни тор-мор келтиришга қўшган беқиёс ҳиссалари экани очиб берилган.

***Калит сўзлар**: хом ашё, экин майдонлари, пахтачилик, мелиорация, ирригация, минерал ўғит.*

В статье показано, что тяжелый труд узбекских дехкан по выращиванию хлопка-сырца в 1941 – 1945 годах является неоценимым вкладом в победу над фашизмом.

***Ключевые слова**: сырье, посевная площадь, хлопководство, мелиорация, ирригация, минеральные удобрения.*

The article highlights the hard work of the Uzbek cotton growers for the cultivation of raw cotton in 1941-1945 as invaluable contribution to the victory over fascism.

***Key words**: raw materials, sown areas, agricultural crops, cotton growing, melioration, irrigation, mineral fertilizers, MTS, rural population.*

Уруш фақат рус, украин, белорус ва бошқа фронт чизиғи ўтган халқлар тарихидагина эмас, балки ўша вақтда собиқ советлар мамлакати таркибига кирган бошқа халқлар, миллатлар тарихида ҳам ўчмас из қолдирган. Бошқача айтганда, бу урушда ҳамма баробар, тенг равишда зарар кўрди, қурбонлар берди. Бундан Ўзбекистон ҳам истисно эмас, чунки у урушнинг барча қийинчиликлари, офат-талофатларини бошқа халқлар билан бирга тортди. Фашизмни тор-мор келтириш учун олиб борилган умумхалқ курашида ўзбек қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг муносиб ҳиссаси бор.

Уруш бошланиши билан республика қишлоқ хўжалиги олдига фронтдаги ва мамлакат ичкарисидаги аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан, саноатни хом ашё билан таъминлаш вазифаси қўйилди. Бунинг устига қисқа вақт ичида аграр ишлаб чиқаришни ҳарбий изга ўтказиш, дон, картошка, сабзавот, озиқ-овқат ва техник экинлар етиштиришни кўпайтириш лозим эди. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги бу вазифаларни ҳал этиш учун бир қатор зиддиятли омиллар пайдо бўла бошлади. Асосан пахта етиштиришга мослашган Ўзбекистонда ғалла, қанд лавлаги, кунжут ва бошқа техника экинларини етиштириш учун зарур мутахассислар, техника воситалари етишмас эди. Марказ республика олдига “озиқ-овқат билан ўз-ўзини таъминлаш” вазифасини қўяр экан, мудофаа саноати учун зарур бўлган пахта хом ашёсини асло камайтирмасликни асосий масала қилиб қўйди.

Уруш бошланганига қарамасдан, пахтакорларнинг фидокорона меҳнати туфайли 1941 йилда гектаридан ўртача 17.7 центнердан ҳосил йиғиб олиниб, давлатга 1646 минг тонна пахта хом ашёси топширилди ва давлат режаси 106 %га бажарилди [1.96]. Аммо республика бўйича пахта режаси бажарилган бўлса-да, Андижон, Наманган вилоятларида бу иш чўзиб юборилди. Самарқанд ва Бухоро вилоятларида давлат режаси бажарилмади.

1941 йилда пахта ҳосили кўпайди. Масалан, 1940 йилга нисбатан Қорақалпоғистонда пахта ҳосили 3.53 ц.га, Хоразмда 3.1ц.га, Жиззах, Косонсой, Нарпай, Шовот, Қарши каби туманларда бу кўрсаткич 1.5 – 2 ц.дан ортиқ бажарилди [2.134].

1942 йил республика пахтакорлари учун ғоят оғир ўзгаришлар йили бўлди. Биз юқорида уруш туфайли Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тизимида кескин ўзгаришлар рўй бергани, пахта билан бирга дон экинларини кўпайтириш, энг аввало, буғдой экишга эътибор берилганини таъкидлаб ўтдик. Агар 1941 йилда республика ҳаммаси бўлиб 5.5 млн центнер дон етиштирган бўлса, 1942 йилда буни 15 млн. центнерга етказиш, асосий экин бўлган пахтани 14.5 фоизга ошириш белгиланди. Урушдаги оғир вазиятга қарамасдан, ер майдони 346.6 минг гектарга кўпайиб, асосан ғалла ва бошқа экинлар, жумладан, қанд лавлаги экилди [3.195].

Ҳукумат қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ҳар қанча ҳаракат қилмасин, уруш ўзининг салбий таъсирини кўрсатди. Пахта экин майдони 1941

йилдагидек сақлаб қолинса ҳам, ҳосилдорлик кескин камайиб, 1942 йилда гектаридан 9.3 центнерни ташкил этди (1941 йилда 17.1 центнер эди) ва 876 минг тонна пахта хом ашёси териб олиниб, режа 68.3% бажарилди. 1941 йилга нисбатан давлатга 641 минг тонна ҳосил кам топширилди [4.22]. Пахтанинг ялпи ҳосили Тошкент вилоятида 50.3 % га, Андижон вилоятида 53.5 % га камайтириб юборилди.

1943 йил республика пахтакорлари учун энг қийин йил бўлди. Бунинг асосий сабабларидан бири экин майдонларида озиқ-овқат экинлари салмоғининг кўпайиши билан Ўзбекистон бўйича пахта майдонлари 1943 йилда 932 минг гектардан 732 минг гектарга камайди. 1943 йилда ҳаммаси бўлиб 520 минг тонна пахта топширилиб, йиллик режа 57.5%га бажарилди. Ҳосилдорлик эса гектаридан ўртача 7.1 центнерга тушиб кетди [4.24].

1942 – 1943 йилларда пахта етиштиришнинг кескин орқага кетишининг ўзига хос обьектив сабаблари бор эди:

- биринчидан, юқорида таъкидланганидек, бошоқли экинларнинг кўпайгани, аҳолини ғалла билан таъминлаш масаласининг кескин қўйилиши бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқарди. 1942 йилнинг ўзида 1941 йилга нисбатан 503.8 минг гектар кўп ғалла экилди ва давлатга режадагидан 152 минг тонна ортиқ ғалла топширилди. Бундан ташқари республикада 62 минг гектардан ортиқ ерга қанд лавлаги ҳам экилди [2.137];
- иккинчидан, 1942 – 1943 йилларда тажрибали ходимлар, мутахассислар, жамоа раислари, бригадир ва звено бошлиқларининг фронтга ва фронт ортидаги саноат корхоналарига юборилиши вазиятни янада оғирлаштирди. Ўша йилларда меҳнатга лаёқатли аҳоли сони 651 минг ёки 20 % га, 1944 йилда эса 30 % га қисқарди, 155 минг киши меҳнат фронтига жалб этилди [5.446];
- учинчидан, қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси ҳам кучсизланиб қолди. Республикага янги техника етказиб бериш тўхтаб қолди, саноат корхоналарининг ҳарбий изга ўтказилиши боис техника учун зарур эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариш ҳам камайди. 1941 – 1943 йилларда Ўзбекистонда тракторлар 19028 тадан 17681 тага тушиб қолди, механизатор-комбайнчилар сони 27888 нафар бўлган бўлса, 1942 йил охирига бориб 2775 нафарни ташкил этди. Уруш йилларида тракторлар сони 15 %, қуввати 18% камайди [3.198]. Қолган тракторлар ҳам жуда эскирган, эҳтиёт қисмлари камлиги туфайли ишга яроқсиз ҳолга келган эди. Масалан, 1943 йил баҳорги ҳайдов мавсумида 3497 трактор ишга чиқмади [1.97]. 1942 йилда Қорақалпоғистонда 19% ерга тракторлар билан ишлов берилди, холос;
- тўртинчидан, экинлар ҳосилдорлигини кўпайтиришда муҳим аҳамиятга эга минерал ўғитлар келтирилиши кескин камайди. Жумладан, 1941 йилда 484.8 минг тонна ўғит келтирилган бўлса, 1942 йилда 147 минг тонна, 1943 йилда эса 14.7 минг тоннани ташкил этди. Пахтакорлар 1941 йилда гектарига 110 кг турли ўғит солган бўлсалар, 1943 йилда бу кўрсаткич 6 кг ни ташкил қилди, холос [2.136]. Масалан, 1942 йилда экин экиладиган майдонлардан 52 минг гектар ер ўғитланмади [3.198];
- бешинчидан, пахта етиштириш камайиб кетишининг омилларидан яна бири фронт ва ҳарбий саноат учун сафарбарликдан ташқари 1942 – 1943 йилларда қишлоқ меҳнаткашларини каналлар, сув омборлари ва ирригация иншоотлари қурилишига кўплаб жалб этиш бўлди. 1942 йилдаги халқ ирригация қурилишлари натижасида республикада 242 минг гектар янги ер ўзлаштирилди. 1941 – 1945 йиллар мобайнида янги ўзлаштирилган ерлар 547.8 минг гектарни ташкил этди [6.32];
- олтинчидан, пахта етиштиришнинг камайиш сабабларидан яна бири кузги-қишки шўр ювиш ишларининг яхши ташкил этилмаганидир. 1942 – 1943 йилларда ерларнинг шўрини ювиш 48 % бажарилди, ерлар тўлиқ ҳайдалмагани сабабли баҳорги ишлар чўзиб юборилди. 1942 йилда халқнинг ёрдами билан барпо этилган Сўх-Шоҳимардон, Юқори Учқўрғон, Шимолий Тошкент, Косонсой-Чуст каби каналлар, шунингдек, Фарход ГЭСи ва Каттақўрғон сув омбори қурилишларидаги ишларни бажариш учун кўп минглаб қишлоқ аҳли сафарбар этилган. Масалан, 1942 йил 15 январда бошланган Юқори Учқўрғон канали (узунлиги 16.5км) қурилишида 10000 нафаргача, қурилиши 1942 йил 25 февралда бошланган Сўх-Шоҳимардон каналида ҳар куни 24000 дан 26000 нафаргача ҳашарчи ишлаган [7.35];
- еттинчидан, урушгача 1 га ердан олинадиган даромад 1940 йилдаги 2840 сўмдан 1942 йилда 1050 сўм, 1943 йилда 760 сўмга тушиб, колхозчиларнинг энг кам иш куни 60 – 100 кундан 150 – 200 кунга етказилди [1.84].

Шунга қарамай, 1942 – 1943 йилларда пахтачиликдан ташқари бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари режаси катта қийинчилик, оғир меҳнат эвазига бажарилди.

1944 йил 6 мартда бўлиб ўтган ВКП(б) МҚ бюроси республикадаги ҳақиқий аҳволни англаб етишни истамай, Ўзбекистон раҳбариятини пахта экин майдонларини асоссиз қисқартирганликда

айблаб, қаттиқ ҳайфсан эълон қилди ва махсус қарорда пахтачиликни урушдан олдинги даражага етказиш масаласини қўйди. Ўзбекистон КП(б) МҚ IX (1944 йил январь), X (1944 йил апрель) пленумлари ва республика пахтакорларининг 1 қурултойида (1944 йил январь) ҳам энг муҳим вазифа пахтачиликни тиклаш деб белгиланди [1.98]. 1944 йил 13 сентябрида ВКП(б) МҚ Ўз КП(б) "Андижон вилояти иши тўғрисида" масалани кўриб чиқиб асоссиз равишда пахтакорларга нисбатан "мажбурлаш" усулини қўллади [8.23].

ВКП(б) Марказий комитети ўз қарорида шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтдики, Андижон вилоят партия комитети кейинги икки йил ичида пахта ҳосилдорлигининг кескин суръатда камайиб кетишига йўл қўйган. Ана шу давр ичида пахта майдонлари 19 процентга қисқариб кетган. Ялпи ҳосил 1941 йилдаги 297 минг тоннадан 1943 йилга келиб 80.7 минг тоннага тушиб қолган. ВКП(б) Марказий Комитети бундай аҳвол қониқарсиз раҳбарлик қилингани, маҳаллий партия ташкилотлари томонидан пахтага етарли баҳо берилмагани, чигит экиш даврида техника даражасининг кескин камайиб кетиши, сув хўжалигининг оғир аҳволга тушиб қолиши ва трактор парки фаолияти ўз ҳолига ташлаб қўйилиши натижасида юз берган, деб ҳисоблади.

1944 йилда чигит экиш муддати ҳаддан ташқари чўзиб юборилди. Балиқчи районида чигит экиш 36 кун, яъни 1 майгача, Пахтаобод районида эса 40 кун давом этди. Умуман олганда, вилоятда чигит экиш компанияси 1 майгача ҳам тугалланмади.

Пахтакорларнинг фидокорона меҳнати туфайли 1944 йил Ўзбекистон давлатга 839 минг тонна пахта хом ашёсини топшириб, режани 101.4% га бажарди, ҳосилдорликни 58.7%га ошириб, гектаридан 11.3 центнер пахта хом ашёсини йиғиб олди. Бу 1943 йилга нисбатан 335 минг тонна кўп эди. [5.449] 18 та туман ҳосилдорликни 1943 йилга нисбатан 2 баробар ошириб бажарди, 334 бригада, 1680 звено 30 центнерга етказиб ҳосил олди. 20 та туманда ҳосилдорлик 15 – 20 центнерга, 10 туман ва 930 та колхозда пахта хом ашёси етиштириш урушдан олдинги даражага етказилди. Бу машаққатли меҳнатлари учун 2550 қишлоқ хўжалиги ходимлари орден ва медаллар билан мукофотландилар [1.99].

Шу йилларда колхоз ва совхозларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун муҳим ишлар амалга оширилди. Тракторларда 1943 йилга нисбатан 564 минг гектар кўпроқ ерда иш бажарилди, 5 миллион сўмлик турли эҳтиёт қисмлари етказиб берилди. Бу 1943 йилга нисбатан 5 баробар кўп эди.

1944 йилда пахта майдонлари республика бўйича 25 минг гектарга кўпайиб, далаларга 12 млн. тоннадан ортиқ маҳаллий ўғитлар ташиб чиқилди.

Бундан ташқари мутахассис кадрлар билан таъминлашда сезиларли ўзгаришлар рўй бериб, 1260 бригадир, 3870 звено бошлиқлари фронтдан колхоз ва совхозларга қайтиб келдилар [3.201].

1945 йил 18-20 январда бўлиб ўтган республика пахтакорларининг II қурултойи ва ЎзКП (б) МК XI январь пленумларида пахта ҳосилини 1945 йил 1 млн. тоннага етказиш вазифаси юкланди [1.99]. Ўзбекистон бўйича 1945 йилда ҳам пахта майдонлари нисбатан кўпайди, аммо уруш йилларида кўзга ташланиб қолган энг катта хато – асосий эътиборни пахта етиштиришга қаратиб, бошқа масалалар четда қолганлигида бўлди. Масалан, қишлоқ хўжалик ишларини механизациялаштиришга эътибор берилмади. Жумладан, 1945 йил сентябригача республикадаги мавжуд тракторларнинг 46.9% таъмирланган эди. 1945 йилги режага биноан 147 минг гектар қаровсиз, ташлаб қўйилган ерлар ўзлаштирилиши лозим эди, аммо фақат 10 минг гектар ер ўзлаштирилди, холос [3.204].

Хоразм ва Андижон вилоятларида ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланиш ўрнига, аксинча, ёмонлашди. Пахта-беда алмашлаб экиш режалари бажарилмади. Бироқ шундай қийинчиликларга қарамасдан, урушнинг охирги йилида Ўзбекистонда 850 минг тонна пахта хом ашёси йиғиб олиниб, режа 100.1 % бажарилди. Ҳосилдорлик гектаридан 11.1 центнерни ташкил этди. Республикадаги 10 вилоятдан 6 таси, 107 тумандан 67 таси юқори натижаларга эришдилар [2.139]. Жумладан, Қашқадарё вилояти 133.2 %, Самарқанд вилояти 113.5%, Фарғона вилояти 110.8 %, Тошкент вилояти 109.2 %га бажардилар.

Ҳосилдорликни Янгийўл тумани 24.4 ц.га, Пахтакор тумани 20.2 ц.га, Избоскан тумани 19.0 ц.га, Охунбобоев тумани 16.6 ц.га етказдилар. Бу меҳнатлари учун 2600 қишлоқ хўжалиги илғорлари орден ва мукофотга сазовор бўлдилар [9.189].

1944-1945 йилларга келиб ғарбий районлардаги дон экиладиган ерлар душман қўлидан озод бўлганидан сўнг Ўзбекистонда дон етиштириладиган майдонлар бирмунча қисқартирилди ва асосий эътибор пахта етиштиришга қаратилди. Республикада экиладиган пахта майдонларини ва олинган ҳосил миқдорини қуйидаги жадвалдан ҳам кўриш мумкин [4.24].

Йиллар	Экиладиган майдон (минг га.)	Олинган ҳосил (центнер)	Ялпи ҳосил (тонна)	Режанинг бажарилиши %	Режа бажарилган сана
1940	920.3	15.4	1417	93	-
1941	927.8	17.7	1667	104	13.XII
1942	932	9.4	876	68	-
1943	732	7.1	520	57	-
1944	742	11.3	839	101	10.XII
1945	779	10.9	850	100.1	25.XII

Уруш йиллари Ўзбекистон дехқонлари жуда катта қийинчиликлар эвазига 4 млн. 800 минг тоннага яқин пахта, 82 млн. пуд ғалла, 482 000 тонна картошка ва сабзавот, 57444 тонна мева ва узум, 36000 тонна қуруқ мева, 159 000 тонна гўшт, 54067 тонна пилла етказиб бердилар.

Республика пахтачилиги уруш йилларида оғир синовдан ўтди ва фронтни озиқ-овқат, кийим-кечак, ўқ-дори билан таъминлашда ҳал қилувчи вазифани бажарди. Бу қишлоқ мехнаткашларининг душманни тор-мор қилишга қўшган муносиб ҳиссаси эди.

Адабиётлар:

1. Узбекистан в годы Великой Отечественной войны (1941-1945). (Отв. ред. чл.-корр. АН УзССР Р.Х.Аминова и д-р ист. наук Т.Д. Джураев). - Т.: Фан, 1966. – 208 с.
2. Абдуллаев А. Ўзбекистонда пахта якка ҳокимлиги ва унинг оқибатлари (1917 – 1991 йй.). Тар. фан. докт. … дис.- Т., 2009. – 291 б.
3. Раззақов А. Ўзбекистон пахтачилиги тарихи.- Т., 1994. – 290 б.
4. Хлопководство Узбекистана за 50 лет.- Т., 1967. – 460 с.
5. Ўзбекистоннинг янги тарихи (Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида). 2-китоб. - Т.: Шарқ, 2000. – 688 б.
6. ЎзР МДА, 2483-фонд, 9-рўйхат, 373-жилд, 32-варақ.
7. Қосимов И. Улуғ Ватан уруши йилларида Ўзбекистон халқларининг сув учун кураши тарихидан.- Т.- 1983.– 103 б.
8. Пўлатов И. Буюк ғалабада Ўзбекистон ҳиссаси.- Т., 1974. – 110 б.
9. Ризаев Г. Сельское хозяйство Узбекистана за 40 лет.- Т., 1957. – 164 б.

Андижон давлат университети,
2017 йил да қабул қилинган
(Тақризчи:)